

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ВА
ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
DSc27.06.2017.K/T35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

АБДУЛЛАЕВА МАРҒУБА ТОЛИБЖОНОВНА

**КАРБАМИД ВА НИТРАТ АММОНИЙ АСОСИДА ТАРКИБИДА
ФИЗИОЛОГИК ФАОЛ МОДДА САҚЛАГАН СУЮҚ АЗОТЛИ ЎҒИТ
ОЛИШ**

02.00.13- Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the dissertation abstract of doctor of Philosophy (PhD)

Абдуллаева Марғуба Толибжоновна

Карбамид ва нитрат аммоний асосида таркибида физиологик фаол
модда сақлаган суюқ азотли ўғит олиш..... 3

Абдуллаева Марғуба Толибжоновна

Получение жидких азотных удобрений на основе карбамида и
нитрата аммония с физиологически активными веществами..... 25

Abdullaeva Marguba Tolibjonovna

To produce liquid nitrogen fertilizers based on carbamide and ammonium
nitrate with physiologically active substances..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ 51
List of published works.....

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ВА
ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
DSc 27.06.2017.К/Т35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

АБДУЛЛАЕВА МАРҒУБА ТОЛИБЖОНОВНА

**КАРБАМИД ВА НИТРАТ АММОНИЙ АСОСИДА ТАРКИБИДА
ФИЗИОЛОГИК ФАОЛ МОДДА САҚЛАГАН СУЮҚ АЗОТЛИ ЎҒИТ
ОЛИШ**

02.00.13- Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD /Т636 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида www.ionx.uz ва «Ziynet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Исабаев Зикрилла

кимё фанлари номзоди, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар:

Мирзакулов Холтўра Чориевич

техника фанлари доктори, профессор

Таджиев Сайфитдин Мухитдинович

техника фанлари доктори, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот:

Наманган мухандислик технология институти

Диссертация ҳимояси Умумий ва ноорганик кимё институти ва Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc27.06.2017.К/Т.35.01 рақамли Илмий кенгашнинг «14» 2018 йил соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90, e-mail: ionxanrux@mail.ru).

Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (23 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (99871) 262-56-60); факс: (+99871) 262-79-90.

Диссертация автореферати 2018 йил «2» ноябрь куни тарқатилди.
(2018 йил «2» ноябрдаги № 23 рақамли реестр баённомаси).

Б.С.Закиров

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, к.ф.д., профессор

Д.С.Салиханова

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, т.ф.д.

С.А.Абдурахимов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда минерал ўғитлар алоҳида ўрин тутди. Минерал ўғитлар ишлаб чиқаришнинг самарадор усулларида бири уларни суюқ ҳолда ишлаб чиқаришдир. Суюқ ўғитлар таркибини физиологик фаол моддалар билан бойитиш орқали фойдали иш коэффициентини ошириш мумкин. Бу ўринда қишлоқ хўжалигини янги турдаги комплекс таъсирга эга бўлган суюқ ўғитлар билан таъминлашга катта эътибор берилмоқда.

Жаҳонда минерал ўғитларнинг фойдали иш коэффициентини ошириш ва ишлаб чиқариш усуллари ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги агрокомплексини такомиллашган тизимини тадқиқ этиш борасида изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада маҳаллий ва паст навли хом ашё манбалари асосида олинган физиологик фаол моддалар билан бойитилган, комплекс таъсир этувчи янги таркибли ўғитлар ишлаб чиқариш технологиясини яратиш ва такомиллаштириш, улардан самарали фойдаланиш, ҳозирги куннинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Шу йўналишларда қуйидаги илмий ечимларни илмий асослаш лозим: янги таркибли органик кислоталар ва уларни моноэтаноламмонийли тузлари физиологик фаол моддаларини яратиш, сирка кислота ишлаб чиқариш техноген чиқиндисини физиологик фаол моддага айлантиришнинг ресурс ва энергия тежамкор технологиясини ишлаб чиқиш, ушбу физиологик фаол моддалар ва карбамид аммонийли селитраси суюқ ўғити асосида, янги таркибли ўғитлар олиш технологияси ва оптимал технологик параметрларини аниқлаш.

Мамлакатимизда кимё саноатини модернизация қилиш, ишлаб чиқариш корхоналарининг хом ашё базасини маҳаллийлаштириш ва улар асосида импорт ўрнини босадиган янги турдаги ўғитлар ишлаб чиқариш бўйича натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида «янги маҳсулот ва технологияларни ўзлаштириш, маҳаллий хом-ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқаришни жадаллаштириш билан саноатни сифат бўйича янги даражага кўтариш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш»¹га қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Бу борада, жумладан хом ашё базасидан унумли фойдаланган ҳолда таркибида физиологик фаол модда сақлаган, комплекс таъсир кучига эга бўлган, фойдаланиш жиҳатидан қулай бўлган препаратлар синтез қилиш, олиш технологияларини ишлаб чиқиш ва чиқиндилардан унумли фойдаланиш муҳим аҳамиятга касб этади.

¹ Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича “Ҳаракатлар стратегияси” тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ 4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони ва 2017 йил 23-августдаги ПҚ-3236-сон «2017-2021 йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқотлари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларга боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ ҳолда бажарилган.

Муоммонинг ўрганилганлик даражаси. Минерал ўғитларнинг олиниш технологияси, реологик хоссалари, қўлланилиши, сақланиши ва транспорт қилиниши бўйича маълумотлар адабиётларда жуда кенг ёритилган.

Жахон миқёсида L.T. Herbert, S.S.Lanyi, R. Slinksiene, C.James, G. Panayotova, H. Travis, B. Marion, B. Н.Мищенко, А.Г. Степченко, О.Б. Дормешкин сингари бир қатор олимлар суяқ суспензияли ўғитларнинг, товар хоссаларини яхшилаш, уларни термик барқарорлигини ошириш, олиниш технологияларини яратиш бўйича тадқиқотлар олиб борганлар.

Хусусан Ўзбекистонда бу борада М.Н.Набиев раҳбарлигида ноорганик моддалар хусусан минерал ўғитлар олиниш технологияси бўйича катта бир илмий мактаб яратилиб, ҳозирги кунгача фаолият юритиб келмоқда. Н.Н. Мелников, А.И. Имамалиев, Б.М. Беглов, Ш.С.Намозов, С.Тўхтаев, А.М. Амирова, С.М. Таджиев, Б.Э. Султонов, З.К. Дехканов, Н.С. Бахриддинов, А.Х.Нарходжаев ва бошқалар томонидан минераль ўғитлар яратиш технологияси, бу соҳанинг илмий ривожини бўйича катта ҳажмдаги тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Юқорида қайд этилган олимлар томонидан карбамид, аммоний нитрат, органик кислоталар ва уларни ишлаб чиқаришда ҳосил бўладиган чиқинди асосида таркибида физиологик фаол модда сақлаган суяқ азотли ўғитлар олишга оид илмий манбалар ҳозирда яратилмаган. Ушбу тадқиқот ишида пахтачилик ва ғаллачиликда ҳосилни тез пишиб етилишини тезлаштирувчи, ҳосилдорликни оширувчи препаратлар яратиш асосида самарали ўғитлар ишлаб чиқариш муоммоларига ечим топилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Умумий ва ноорганик кимё институтининг илмий тадқиқот ишлари режасининг: ФА-А6-ТО51 «Қишлоқ хўжалиги ўсимликларини ҳосилдорлигини ошириш учун кўп функцияли хоссаларга эга бўлган янги авлод препаратларини ресурстежамкор технологиясини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш» (2009-2011) ва ФА-А12-Т169 «Экологик тоза агрохимикатларни самарадор технологиясини ишлаб чиқиш ва модернизация

этиш, мониторинг қилиш, ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш» (2012-2015гг.) мавзуларидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади карбамид ва нитрат аммоний асосида таркибида физиологик фаол модда сақлаган суюқ азотли ўғитлар олишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

сирка, чумоли кислоталари, метилацетат, моноэтанолламинлардан ташкил топган сувли системалардаги эритмаларининг ўзаро эрувчанлигини, реологик хоссаларини кенг ҳарорат ва концентрация оралиғида аниқлаш ва «таркиб-хосса» диаграммаларини яратиш;

янги таркибларни қаттиқ фазаларини ҳосил бўлиш майдонларини ҳарорат ва концентрацияга боғлиқ ҳолда чегаралаш, таркибини аниқлаш, уларни замонавий физик, физик-кимёвий усулларда таҳлил қилиш;

сирка кислотаси ва уни ишлаб чиқариш «енгил учувчан фракция» чиқиндисини, моноэтанолламин асосида физиологик фаол моддалар олиш жараёнининг мақбул технологик кўрсаткичларини аниқлаш ва тизимини ишлаб чиқиш;

карбамид, нитрат аммоний, бирламчи сирка, чумоли кислоталарининг моноэтанолламмонийли тузлари, N-ацетилэтанолламин иштирокида мураккаб сувли системаларнинг гетероген фазавий мувозанатини кенг ҳарорат ва концентрация оралиғида аниқлаш;

янги таркибли суюқ азотли ўғитлар олиш жараёнининг моддий балансини тузиш, технологик тизимини яратиш, лаборатория ва саноат тажриба намуналарини ишлаб чиқариш ва кейинчалик ишлаб чиқаришга жорий этиш;

олинган физиологик фаол моддалар сақлаган ўғитлар бўйича, ғўзада ва бўғдойда, катта ва кичик дала майдонларида агрокимёвий тадқиқотлар олиб бориш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида сирка, чумоли кислоталари, метилацетат, моноэтанолламин, карбамид, аммоний нитрат, карбамидаммонийли селитраси, бир ва икки сирка кислотасининг, бир чумоли кислотасининг моноэтанолламмонийли тузлари, N-ацетилэтанолламин, сирка кислотаси ишлаб чиқариш «енгил учувчан фракция» чиқиндисини қўлланилган.

Тадқиқотнинг предмети сирка кислотаси ва уни ишлаб чиқаришдаги чиқинди «енгил учувчан фракция»ни моноэтанолламин билан нейтраллаб, физиологик фаол модда олиш, уни мавжуд суюқ карбамидаммонийли селитраси таркибига қўшиш асносида биологик фаоликка эга бўлган комплекс таъсир этувчи янги таркибли азотли ўғитларни олиш жараёнларини илмий асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажаришда аналитик кимё, визуал-политермик, изомоляр услублари, ИҚ-спектр ва рентгенофаза, термик, ядроли магнитли резонанс, пикнометрик таҳлил усулларидан фойдаланилган. Вискозиметр ВПЖ ёрдамида эритманинг

ковушқоқлиги, рН мухити METTLER TOLEDO рН meter FE 20/ FG рН метрида ва ёруғлик нуруни синдириш кўрсаткичи БМ модели ИРФ 454 рефрактометрида аниқланди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сирка, чумоли кислоталари, метилацетат, моноэтаноламин иштирокидаги сувли системаларда компонентларнинг ўзаро таъсирлашувини асословчи «таркиб-хосса» диаграммалари яратилган;

тўртта янги $\text{CH}_3\text{COOH}\cdot\text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH}$, $2\text{CH}_3\text{COOH}\cdot\text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH}$, $\text{HCOOH}\cdot\text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH}$, $2\text{HCOOH}\cdot\text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH}$ таркибли бирикмаларнинг ҳосил бўлиши аниқланган;

янги уч турдаги физиологик фаол моддалар ишлаб чиқариш технологияси яратилган;

нитрат аммоний, карбамид, сирка, чумоли кислоталарининг моноэтаноламмонийли тузлари ва N-ацетилэтаноламин иштирокидаги мураккаб сувли системалар компонентларининг ўзаро таъсирлашувини, эрувчанлигини асословчи «таркиб-хосса», политермик эрувчанлик диаграммалари яратилган;

учта янги $\text{CO}(\text{NH}_2)_2\cdot\text{CH}_3\text{COOH}\cdot\text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH}$, $\text{CO}(\text{NH}_2)_2\cdot\text{HCOOH}\cdot\text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH}$, $\text{CO}(\text{NH}_2)_2\cdot 2\text{HCOOH}\cdot\text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH}$ бирикмалар синтез қилинган;

сирка кислотаси, уни ишлаб чиқариш чиқиндиси, моноэтаноламин иштирокида олинган физиологик фаол моддалар ва КАС суюқ ўғити асосида физиологик фаоликка эга бўлган суюқ азотли ўғит олиш технологиялари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

сирка кислотаси ва уни ишлаб чиқариш чиқиндиси, моноэтаноламин иштирокида олинган янги физиологик фаол моддалар ва уларни таркибида сақлаган янги суюқ азотли ўғитлар ишлаб чиқариш технологик схемаси яратилган;

«Максам-Чирчиқ»АЖда тажриба-саноат миқёсида янги комплекс таъсир кўрсатувчи физиологик фаоликка эга бўлган суюқ азотли ўғитлар ишлаб чиқарилган;

тавсия этилган комплекс таъсир этувчи ўғитларнинг тажриба намуналари иштирокида, катта ва кичик дала майдонларида, ғўза ва буғдойда агрокимёвий синовлар ўтказилган ва қўллашга тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларини ишончлилиги. Фойдаланилган кимёвий (аналитик кимё) ва физик-кимёвий (рентгенофаза, термогравметрик, изомольяр сериялар, кузатув политермик) таҳлил натижалари ва катталаштирилган тажриба-саноат қурилмаларида синовдан ўтганлиги билан тасдиқланади, ҳамда таклиф этилган препаратларни қишлоқ хўжалигида самарали физиологик фаоликка эга ўғит сифатида қўллашга тавсия этилади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларини илмий аҳамияти таркибида сирка, чумоли кислоталари, метилацетат, моноэтаноламин, карбамид, аммоний нитрат,

карбамидаммонийли селитраси, бирламчи чумоли кислотасининг моноэтаноламмонийли, бир ва иккиламчи сирка кислотасининг моноэтанаммонийли бирикмалари, N- ацетилэтаноламин, сирка кислотаси ишлаб чиқариш «енгил учувчан фракция» чиқиндисидан иборат бўлган мураккаб сувли системаларда, компонентларнинг ўзаро эрувчанлиги ва таъсирлашуви бўйича янги маълумотлар олинганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти маҳаллий хом ашёлар ва ишлаб чиқариш чиқиндиси асосида физиологик фаол моддалар ва уларни таркибида сақлаган янги таркибли юқори самарадорликка эга бўлган суюқ азотли ўғитлар ишлаб чиқаришнинг мақбул технологиялари ишлаб чиқилган. Тадқиқот натижалари физиологик фаол моддалар олиш ва уларни таркибида сақлаган суюқ ўғитлар олиш технологиясини яратиш ва такомиллаштиришда, пахтачилик ва ғаллачиликда ҳосилни тез пишиб етилишини тезлаштирувчи, ҳосилдорликни оширувчи препаратлар яратиш асосида самарали ўғитлар ишлаб чиқаришда, сирка кислота ишлаб чиқаришдаги экологик муоммоларни ечишда, ишлаб чиқариш чиқиндисини утилизациясида катта аҳамиятга эгадир.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Карбамид ва нитрат аммоний асосида таркибида физиологик фаол модда сақлаган суюқ азотли ўғитлар олиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

комплекс таъсир кўрсатувчи суюқ ўғитлар олиш технологияси «Максам-Чирчиқ» АЖда амалиётда қўллаш учун истиқболли ишланмалар рўйхатига киритилган («Ўзкимёсаноат» АЖнинг 2018 йил 24 июль 01/3-3091/П сон маълумономаси). Натижада янги ўғитлар буғдой майдонларида қўлланилганда, ҳосилдорликни 3,0 ц/га, ошириш имконини берган;

синтез қилиб олинган янги ўғитлар ғўза ўсимлигида Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти (ПСУЕАИТИ) ва Тошкент вилояти фермер хўжалиги пахта, буғдой дала майдонларида жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 10 майдаги 02/023-31 сон маълумотномаси). Натижада ушбу препаратлар ўрта толали ғўза навларига қўлланилганда ўсимликнинг ўсиши ва ривожланиши жадаллашиб ҳосилдорликни 1,1÷2,5 ц/га ошириш имконини берган;

таркибида физиологик фаол модда сақлаган суюқ азотли ўғитларни буғдой ва ғўзага қўлланилгандаги агрокимёвий синов натижалардан ФА-А12-142 рақамли «Самарали стимулятор зарарсиз ўсимликларни химоя қилиш воситаларини олишнинг ресурс тежамкор технологияларини ишлаб чиқиш ва уларни синаш» ва ФА-А7-Т133 рақамли «Бентонит билан модификация қилинган азот ва фосфорли минерал ўғитларни қўллашнинг ресурс тежамкор технологиясини ишлаб чиқиш» лойиҳаларида препаратларнинг назоратга нисбатан қиёсий таҳлил қилишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2018 йил 21 майдаги 4/1255-1307 сон маълумотномаси). Натижада янги таркибли азотли ўғитлар билан ўсимлик озиклантирилганда тупроқдаги азотни барчасини тез ва тўлиқ ўзлаштириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларини апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 3 та халқаро ва 10 та республика илмий амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларини эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан 6 та республика ва 1 та хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва хажми. Диссертация иши кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг хажми 118 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланиши билан бирга, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари тавсифланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устивор йўналишларига мослиги, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, чоп этилган илмий ишлар, шунингдек диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг **“Минерал ўғитлар олиш жараёнларида карбон кислоталар, этаноламинлар қўлланилишининг физик-кимёвий асослари”** деб номланган илмий адабиётлар таҳлили бобида қишлоқ хўжалигида минерал ўғитларнинг олиниши ва қўлланилиши ёритиб берилган, шунингдек маҳаллий хом ашёлар асосида қишлоқ хўжалиги ўсимликларининг ўсиши ва ривожланишини тезлаштирадиган, азот, фосфор, ва калий элементлари иштирокида фойдаланиш коэффициенти оширадиган, дон ва тола сифатини яхшилайдиган, ҳамда ҳосилдорликни оширадиган минерал ўғитлар ишлаб чиқариш зарурати очиқ берилган.

Диссертациянинг иккинчи бобида, самарали физиологик фаол моддалар ва уларни таркибида сақлаган суюқ азотли ўғитлар ишлаб чиқариш бўйича **“Хом ашёларни кимёвий таркиби ва хоссалари”**, ҳамда улар иштирокидаги мураккаб сувли системаларнинг таркибий қисмларини ўзаро муносабатини изохловчи эрувчанлик политермаси, **“таркиб-хосса” услублари**, янги бирикмаларнинг мавжудлигини таҳлил қилувчи **“кимёвий ва физик-кимёвий таҳлил усуллари”**, келтирилган.

Диссертациянинг **“Сирка, чумоли кислоталари, метилацетат, моноэтаноламин иштирокидаги компонентларнинг ўзаро таъсири ва эрувчанлигини ўрганиш, улар асосида физиологик фаол моддалар олиш”** деб номланган учинчи бобида сирка ва чумоли кислоталар, метилацетат ва моноэтаноламинлардан иборат сувли системаларнинг физик-кимёвий тадқиқотлар натижалари келтирилган. Карбон кислоталар ва

моноэтанолламин асосида физиологик фаол моддалар олиш жараёнининг физик-кимёвий таҳлил қилиш учун, урта система компонентларининг эрувчанлиги ва ўзаро таъсирлашуви изомольяр сериялар услубида ўрганилган. Уларнинг таркиб-хосса диаграммаси қурилган.

Сирка кислота –моноэтанолламин–сув системаси “таркиб-хосса” диаграммасидаги изотермалар синиш чизиқлари сирка кислотаси: моноэтанолламин моль нисбатига тўғри келувчи 1:1 ($\text{CH}_3\text{COOH} \cdot \text{H}_2\text{NC}_2\text{H}_4\text{OH}$ –бирламчи сирка кислотасини моноэтанолламмонийли тузи), 2:1 ($2\text{CH}_3\text{COOH} \cdot \text{H}_2\text{NC}_2\text{H}_4\text{OH}$ –иккиламчи сирка кислотасини моноэтанолламмонийли тузи), янги кимёвий бирикмалари ҳосил бўлишини кўрсатди. Диаграммадаги майдонларга тўғри келувчи сохалардан бирламчи сирка кислотасини моноэтанолламмонийли тузлари ажратиб олиниб, индивидуал мавжудлиги (ИК-спектр, термик анализ ва рентгенфазовий усуллар ёрдамида) тасдиқланди (1-расм).




1- pH муҳити; 2-қовушқоклик, η , мм²/с; 3-зичлик, d , г/см³; 4- нур синдириш кўрсаткичи, n_D^{20} .

1-расм. Сирка кислота–моноэтанолламин–сув системаси “таркиб-хосса” диаграммаси.

Саноат чиқиндиси таркибида 4-8% чумоли кислотаси мавжуд бўлганлиги учун чумоли кислота-моноэтанолламин-сув системаси изомольяр сериялар услубида ўрганилди. Система компонентларнинг сувли эритмаларда ўзаро таъсирлашувидан чумоли кислота ва моноэтанолламиннинг қуйидагича чумоли кислота:моноэтанолламин моль нисбатларида 6:1; 2:1; 1,5:1 ва 1:1, тўртта комплекс бирикмалар ҳосил бўлиши аниқланган. Бошланғич компонентларнинг 1:1 ва 1:2 нисбатида бирламчи чумоли кислотаси моноэтанолламмонийли тузи– $\text{HCOOH} \cdot \text{H}_2\text{NC}_2\text{H}_4\text{OH}$ ва иккиламчи чумоли кислотаси моноэтанолламмонийли тузи – $2\text{HCOOH} \cdot \text{H}_2\text{NC}_2\text{H}_4\text{OH}$ суяқ комплекс бирикмалари синтез қилиб олинган, бирикмаларнинг мавжудлиги, ўзига хос хусусиятлари кимёвий ва физик-кимёвий таҳлил усуллари билан исботланган.

Саноат чиқиндиси таркибида 4-5% метилацетат бўлганлиги учун метилацетат –моноэтаноламин –сув системаси изомоляр сериялар услубида ўрганилди. Система изотермасини таҳлил этиш натижасида моноэтаноламин ва метилацетат бирикмалари сувли эритмада 99,6% – 99,7% асосий моддадан иборат бўлган N-ацетилэтаноламин бирикмасини ҳосил қилади деган хулосага келиш мумкин. $\text{CH}_3\text{CONHC}_2\text{H}_4\text{OH}$ бирикмасининг ўзига хос хусусиятлари кимёвий, ИК-спектроскопик таҳлил, ҳамда ЯМР-спектроскопия ёрдамида H^1 ва C^{13} ларни ўрганиш натижасида аниқланган.

Олинган натижалар асосида физиологик фаол моддалар миқдори кўп бўлган оптимал таркибни танлаб олиш ва моддий балансини ишлаб чиқиш, мавжуд шароитини аниқлаш мақсадида сирка кислотаси –моноэтаноламин –сув системасининг таркиб хосса диаграммасига қўшимча тарзда– асословчи диаграмма қурилди (2-расм).



2-расм. Сирка кислота–моноэтаноламин–сув, сирка кислота–енгил учувчан фракция чиқиндиси–сув системаларининг асословчи диаграммаси.

Асословчи диаграммада сирка кислотанинг 90% миқдорини моноэтаноламин билан нейтралланган ҳолда таркиб тўлиқ физиологик фаол моддага ўтади ва унга 10% “енгил учувчан фракция” чиқиндисини қўшиш натижасида кислоталар аралашмасининг концентрацияси 92,2% ташкил қилади 55,5% миқдорини 44,5% моноэтаноламин билан нейтраллаш натижасида A_1 нуктада физиологик фаол моддалар МЭАСМКК (монокарбон кислоталарнинг моноэтаноламмонийли тузлари) ҳосил бўлади. Олинган физиологик фаол модда суюқ ҳолатда бўлиб концентрациясини ошириш учун эритмани буғлатиш талаб этилмайди.

Шунингдек, асословчи диаграммада физиологик фаол моддалар ОУк.МЭА (бир сирка кислотанинг моноэтаноламмонийли тузи) ва ДУк.МЭА(икки сирка кислотасини моноэтаноламмонийли тузи) ҳосил бўлиш соҳалари ўзаро чегараланган.

Асословчи диаграммада A_2 нуктада ДУк.МЭА нинг оптимал таркиби кўрсатилган. Бунинг учун 75% сирка кислотани нейтраллашга 25% моноэтаноламин сарфланади. Олинган физиологик фаол модда суюқ ҳолатда бўлиб концентрациясини ошириш учун эритмани буғлатиш талаб этилмайди.

Асословчи диаграммада A_3 нуктада ОУк.МЭАнинг оптимал таркиби кўрсатилган. Бу ҳолда 50% сирка кислотани нейтраллаш учун 50% моноэтаноламин сарфланади. Олинган физиологик фаол модда қаттиқ ҳолатдаги майда кристалл кўринишида мавжуд бўлади.

Физик-кимёвий жараёнлар ўзгаришини ўрганиш учун кислоталар аралашмаси ($\text{CH}_3\text{COOH}:\text{ЛФ}=9:1$) $\text{pH}=7$ қийматида моноэтаноламин билан нейтралланган, ҳосил бўлган эритмаларнинг реологик хосслари pH нинг 6,25 ва 7,0 қийматларида ўрганилган.

Сирка китслота, енгил учувчан фракция чиқиндиси ва моноэтаноламин асосида физиологик фаол модда (МЭАСМКК) ишлаб чиқариш технологик жараёни қуйидаги босқичларда иборат:

- Нейтраллаш реакторига 9:1 нисбатда сирка кислота:енгил учувчан фракция чиқиндисини юклаш, олинган нордон аралашмани моноэтаноламин билан нейтраллаш;
- Монокарбон кислоталарнинг моноэтаноламмонийли тузларини тўкиш ва қадоқлаш


Сирка кислота ва моноэтаноламин асосида физиологик фаол модда (ДУк. МЭА) олиш жараёни қуйидаги босқичлардан иборат;

- Сирка кислотани нейтраллаш реакторига юклаш;
- Моноэтаноламинни нейтраллаш реакторига юклаш; иккиламчи сирка кислотасининг моноэтаноламмонийли тузи олиниши баробарида нейтраллаш жараёнини ўтказиш.
- Олинган иккиламчи сирка кислотасининг моноэтаноламмонийли тузи эритмасини тўкиш ва қадоқлаш;

Сирка кислота ва моноэтаноламин асосида физиологик фаол модда (ОУк.МЭА) олиш жараёни қуйидаги босқичлардан иборат;

- сирка кислотани нейтраллаш реакторига юклаш;
- моноэтаноламинни нейтраллаш реакторига юклаш;
- бирламчи сирка кислотасининг моноэтаноламмонийли тузи олиниши баробарида нейтраллаш жараёнини ўтказиш;
- олинган маҳсулотни жўвали қуритгичда қуритиш;
- тайёр маҳсулотни қадоқлаш.

Сирка кислотаси, уни ишлаб чиқариш чиқиндиси ва моноэтаноламин асосида физиологик фаол модда олиш жараёнининг технологик схемаси 3–расмда келтирилган.



3-расм. Сирка кислота, енгил учувчан фракция чиқиндиси ва моноэтаноламин асосида физиологик фаол модда олиш технологик схемаси.

1-Сирка кислота сақлагич; 2,6-марказдан қочма насос; 3,7,9-сарфлагич; 4-аралаштириш ва нейтраллаш реактори; 5-енгил учувчан фракция чиқиндиси сақлагичи; 8-моноэтаноламин сақлагич; 11-қадоқлаш қурилмаси; 10,12-оралиқ сақлагич; 13-юклаш насоси; 14-жўвали қурутгич; 15-кристаллар учун бункер.

Олинган маҳсулотларнинг физик-кимёвий кўрсаткичлари 1-жадвалдаги таркиблар ва меёрларга мувофиқ бўлиши лозим. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида бир сирка кислота моноэтаноламмонийли тузининг гигроскопик нуқтаси 27% эканлиги аниқланди.

1-жадвал.

Олинган физиологик фаол моддаларнинг физик-кимёвий кўрсаткичлари


Кўрсаткичлар номи	Меъёрлар		
	МЭАСМКК	$2\text{CH}_3\text{COOH} \cdot \text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH}$	$\text{CH}_3\text{COOH} \cdot \text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH}$
Ташқи кўриниши	Тўқ кўнғир рангли суюқлик	Тўқ кўнғир рангли суюқлик	Оқ кристаллар
Физиологик фаол модда масса улуши, % кам эмас.	93,0	99,12	98,8
Сув масса улуши, % кам эмас	7,0	0,88	1,2
Зичлик, кг/м^3	0,1168	0,1134	-
Кристаллани ҳарорати, °C	-27°C	-8	-
Суюқланиш ҳарорати, °C	-	-	75
pH муҳити	7,0	6,25	7,0

“Физиологик фаол модда сақлаган суюқ комплекс таъсир этувчи ўғит олиш жараёнини асословчи сувли системаларни ўрганиш” деб номланган тўртинчи бобида аммоний нитрат, карбамид, бирламчи сирка кислотасининг моноэтаноламмонийли тузи ва бирламчи чумоли кислотасини

моноэтаноламмонийли тузи, N-ацетилэтаноламинлардан иборат сув системалари тадқиқотларнинг натижалари таҳлил қилинган.

Таркибида физиологик фаол модда сақлаган суюқ азотли ўғит олиш технологик жараёнини физик-кимёвий асослаш мақсадида юқоридаги компонентлардан иборат сувли системаларнинг эрувчанлиги ўрганилган.

Аммоний нитрат–бирламчи сирка кислотасини моноэтаноламмонийли тузи–сув системасида компонентларнинг эрувчанлиги ($-58,0^{\circ}\text{C}$) дан 50°C гача бўлган ҳароратлар оралиғида ўрганилиб, 8 та ички кесимлар ёрдамида эрувчанлик политермик диаграммаси қурилди, фазовий диаграммада музнинг, аммоний нитратнинг α , β , γ –модификацияларининг, сирка кислотасининг ва бирламчи сирка кислотасини моноэтаноламмонийли тузининг кристалланиш майдонлари ўзаро чегараланган. 4-расмдан кўриниб турибдики политермик диаграммасида β , γ –нитрат аммоний модификациялари катта кристаллга тушиш майдонини эгаллайди. Келтирилган маълумотлар бўйича ўрганилган ҳарорат, ҳамда концентрацион интервалларида ва янги таркиблар кристалланиш майдонларида чегараланмаган бўлиб, дастлабки компонентлар ўз индивидуаллигини сақлаб қолади. Система оддий эвтоник типга мансуб бўлиши аниқланган (4-расм).




4-расм. Нитрат аммоний–бирламчи сирка кислотани

моноэтаноламмонийли тузи–сув системасини эрувчанлик политермаси.

Бирламчи чумоли кислотани моноэтаноламмонийли тузи–аммоний нитрат–сув ва N-ацетилэтаноламин–аммоний нитрат–сув системаларида эритмаларининг реологик хоссаларини ўрганилиб эрувчанлик политермик диаграммалари қурилди. Ўрганилган системалар таркибидаги компонентларнинг индивидуаллиги сақланиши билан тавсифланиб, оддий эвтоник типга мансуб эканлиги аниқланди.

Бирламчи сирка кислотасини моноэтаноламмонийли тузи ва карбамиднинг ўзаро таъсирлашувини аниқлаш учун бирламчи сирка

кислотасини моноэтаноламмонийли тузи –карбамид–сув системаси тадқиқ қилинган. Системанинг “таркиб-хосса” диаграммасидан кўриниб турибдики, изотерма саниш чизиқлари карбамид:бирламчи сирка кислотасини моноэтаноламмонийли тузи 1:1 моль нисбатига тўғри келувчи янги кимёвий бирикма $\text{CO}(\text{NH}_2)_2 \cdot \text{CH}_3\text{COOH} \cdot \text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH}$ ҳосил бўлишига мувофиқ бўлиб индивидуал мавжудлиги кимёвий, ҳамда физик-кимёвий таҳлил усуллари билан исботланган (5-расм).



1- рН муҳити; 2-қовушқоқлик, η , $\text{мм}^2/\text{с}$; 3-зичлик, d , $\text{г}/\text{см}^3$;
4-нур синдириш кўрсаткичи, n_D^{20} .


5-расм. Бирламчи сирка кислотаси моноэтаноламмонийли тузи – карбамид–сув системаси “таркиб-хосса” диаграммаси.

Бирламчи чумоли кислотасини моноэтаноламмонийли тузи –карбамид–сув системаси “таркиб-хосса” диаграммасидан кўриниб турибдики, эритмалар ёруғлик нуруни синдириш кўрсаткичлари, зичликлари, қовушқоқликлари, рН муҳитлари асосидаги изотермалар саниш чизиқлари карбамид:бир чумоли кислотасини моноэтаноламмонийли тузи 1:1 ва 1:2 моль нисбатига тўғри келувчи янги кимёвий бирикмалар $\text{CO}(\text{NH}_2)_2 \cdot \text{HCOOH} \cdot \text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH}$ ва $\text{CO}(\text{NH}_2)_2 \cdot 2\text{HCOOH} \cdot \text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH}$ ҳосил бўлишига мувофиқ бўлади. Бу кимёвий бирикмаларнинг индивидуал мавжудлиги термик ва ИҚ-тўлқинли таҳлил усуллари билан исботланган.

N-ацетилэтанолламин –карбамид–сув системаси компонентларнинг ўзаро таъсир характерини тадқиқот қилиш натижасида унинг изотермаларида бошланғич компонентлар ва $\text{CO}(\text{NH}_2)_2 \cdot \text{CH}_3\text{CONHC}_2\text{H}_4\text{OH}$ бирикмасининг кристалланиш майдонлари ўзаро чегараланган. Ҳосил бўлган янги бирикмаларнинг ўзига хос хусусиятлари кимёвий ва физик-кимёвий таҳлил усуллари билан исботланган.

$[45\%\text{CO}(\text{NH}_2)_2 + 55\%\text{NH}_4\text{NO}_3] - \text{CH}_3\text{COOH} \cdot \text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH} - \text{H}_2\text{O}$ системасининг эрувчанлик политермаси тўлиқ музлаш ҳарорати ($-70,8^\circ\text{C}$) дан 30°C оралиқда, тўққизта ички кесимлар ёрдамида ўрганилди. Фазовий

диаграммада муз, CH_3COOH , $\text{CH}_3\text{COOH}\cdot\text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH}$ ва $\text{NH}_4\text{NO}_3\cdot\text{CO}(\text{NH}_2)_2$ бирикмалари кристалланиш майдонлари ўзаро чегараланиш билан тавсифланади. (6-расм)




6-расм. $[45\% \text{CO}(\text{NH}_2)_2 + 55\% \text{NH}_4\text{NO}_3] - \text{CH}_3\text{COOH}\cdot\text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH} - \text{H}_2\text{O}$ системанинг эрувчанлик политемси

$[45\% \text{CO}(\text{NH}_2)_2 + 55\% \text{NH}_4\text{NO}_3] - \text{HCOOH}\cdot\text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH} - \text{H}_2\text{O}$ системасида компонентларнинг ўзаро таъсири $(-56,0)^\circ\text{C}$ дан 30°C ҳарорат оралиғида ўрганилди. Политемик диаграммада муз, NH_4NO_3 , $\text{CO}(\text{NH}_2)_2$, NH_4NO_3 , ва янги фазалар $\text{HCOOH}\cdot\text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH}$, $2\text{HCOOH}\cdot\text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH}\cdot\text{H}_2\text{O}$, $\text{HCOOH}\cdot\text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH}\cdot\text{CO}(\text{NH}_2)_2$, $2\text{HCOOH}\cdot\text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH}\cdot\text{CO}(\text{NH}_2)_2$ бирикмаларнинг кристалланиш майдонлари ўзаро чегаралланган. Бирикмалар суюқ ҳолатда ажратиб олинган бўлиб кимёвий, ИҚ- тўлқинли ва ингичка қатламли хроматография усуллари билан идентификация қилинган.

$[45\% \text{CO}(\text{NH}_2)_2 + 55\% \text{NH}_4\text{NO}_3] - \text{CH}_3\text{CONHC}_2\text{H}_4\text{OH} - \text{H}_2\text{O}$ системаси компонентларнинг ўзаро таъсирини изомольяр сериялар услуби ёрдамида ўрганиш шуни кўрсатдики, “таркиб-хосса” диаграммасида изотерма синиш чизиқлари, бошланғич компонентлар ва $\text{CO}(\text{NH}_2)_2\cdot\text{CH}_3\text{CONHC}_2\text{H}_4\text{OH}$ майдонлар ўзаро чегараланган. Бирикмаларнинг мавжудлиги N-ацетилэтанолламин-карбамид-сув системасини ўрганиши натижасида аниқланган.

Ўрганилган системалар асосида суюқ азотли ўғит олиш номли бешинчи бобида қишлоқ хўжалиги ўсимликларини ривожланишини жадаллаштирадиган, МЭАСМКК –физиологик фаол моддасини таркибида сақлаган, комплекс таъсир эга КАС ўғитини олиниш технологиясини ишлаб

чиқиш ва ўғит таркибида физиологик фаол моддани эриш жараёнини асослаш мақсадида $\{74,9\%[45\%\text{CO}(\text{NH}_2)_2+55\%\text{NH}_4\text{NO}_3]+25,1\%\text{H}_2\text{O}\}$ –МЭАСМКК системаси компонентларининг физик-кимёвий хусусиятлари ўзгариши ўрганилди.




7-расм. $\{74,9\%[45\%\text{CO}(\text{NH}_2)_2+55\%\text{NH}_4\text{NO}_3]+25,1\%\text{H}_2\text{O}\}$:МЭАСМКК эритмалар массалар нисбатига рН муҳити (1), зичлик (2), қовушқоқлик (3) ва кристаллга тушиш ҳарорат (4)нинг боғлиқлиги.

Ушбу системада таъсирлашувчи компонентлар нисбатига боғлиқ ҳолда кристаллга тушиш ҳарорати, қовушқоқлиги, зичлиги, ва рН муҳити ўзгариши аниқланган. Олинган маълумотлар асосида $\{74,9\%[45\%\text{CO}(\text{NH}_2)_2+55\%\text{NH}_4\text{NO}_3]+25,1\%\text{H}_2\text{O}\}$ –МЭАСМКК системанинг “таркиб-хосса” диаграммаси курилган. Диаграммадан маълумки, бошланғич КАС эритмасига физиологик фаол модда қўшиш натижасида янги ҳосил бўлаётган эритмаларнинг кристалланиш ҳарорати, зичлиги, рН муҳити қийматлари жуда оз камаяди, эритмалар қовушқоқлиги жуда оз миқдорда ортади. Диаграммадан комплексли таъсирга эга бўлган оптимал таркиб деб қуйидаги компонентлар нисбати–КАС: МЭАСМКК= 1:[0,00075–0,00077] танлаб олинди (7-расм).

КАС ва икки сирка кислотани моноэтаноламмонийли тузи асосида физиологик фаоликка эга суюқ азотли ўғит олиш жараёнини асослаш мақсадида $\{74,9\%[45\%\text{CO}(\text{NH}_2)_2+55\%\text{NH}_4\text{NO}_3]+25,1\%\text{H}_2\text{O}\}$ – $2\text{CH}_3\text{COOH}\cdot\text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH}$ системасида эритмаларнинг физик-кимёвий хусусиятлари ўзгариши ўрганилган. Кристаллга тушиш ҳарорати, қовушқоқлиги, зичлиги, рН муҳити ўзгариши асосида маълумотлар олинди. Олинган маълумотлар асосида ушбу системанинг “таркиб-хосса” диаграммаси курилган. Қўшилаётган икки сирка кислотасининг моноэтаноламмонийли тузи концентрацияси ошиши билан эритмалар рН муҳитининг жуда оз миқдорда 6,95 дан 6,73 гача ўзгаради. Олинган маълумотлар ва қўлланилаётган


Ўғитнинг турли меъёрларидаги агрокимёвий синовлари асосида, система компонентларининг қуйидаги нисбатларида, ўғитнинг оптимал таркиби танланган: $\text{KAC}-2\text{CH}_3\text{COOH} \cdot \text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH} = 1:0,00065-0,00070$ (8-расм).




8-расм. {74,9%[45%CO(NH₂)₂+55%NH₄NO₃]+25,1%H₂O} : 2CH₃COOH·NH₂C₂H₄OH эритмалар массалар нисбатига рН муҳити (1), зичлик (2), қовушқоқлик (3) ва кристаллга тушиш ҳарорат (4)нинг боғлиқлиги.

